



IX–XII АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МАЊНАВИЯТ ВА МАЃРИФАТ

Ҳақлиев В.Б.

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ 2-сон Тошкент Академик лицей ўқитувчиси,
т.ф.н., доцент*

Аннотация: Ушбу мақолада IX–XII асрларда Марказий Осиёда мањнавият ва маѓрифатнинг ривожи ҳақида баён қилинган.

Калит сўзлар: халифалик, Мовароуннаҳр ва Хуросон, тоҳирийлар, саффорийлар, сомонийлар, Исмоил Сомоний, Дамашқ, Қоҳира, Багдод, Куфа, Аҳмад Фарғоний, Мұхаммад ибн Мусо Ҳоразмий.

VIII аср охири-IX аср бошида халифаликни ларзага келтирган оғир сиёсий вазият аббосийларнинг Мовароуннаҳр ва Хуросонда олиб бораётган сиёсатини ўзгартиришга мажбур этди. Бирин-кетин Ўрта Осиёда тоҳирийлар, саффорийлар, сомонийлар давлатлари ташкил топди. Мамлакатда содир бўлган бундай сиёсий ўзгаришлардан сўнг Мовароуннаҳр Хуросондан ажралиб ўз мустақиллигини тўла тиклаб олиш имконига эга бўлди. Мовароуннаҳрни бирлаштириб мустаҳкам давлат тузган давлат арбоби Исмоил Сомоний, 900 йилда Хуросонни ҳам саффорийлардан тортиб олиб улкан давлат барпо этди. Халифа сомонийлар давлатини тан олишга ва унга ҳукмронлик ёрлигини юборишга мажбур бўлди. Шу тариқа IX аср охирларига келиб Мовароуннаҳр халқлари Араб халифалигидан абадий халос бўлади ва араб халифалигидан мустақил бўлган йирик феодал давлат-Сомонийлар давлати ташкил топади.

Сомонийлар мамлакатни бошқаришда давлат маъмуриятини ташкил этадилар. Мамлакат ўнта девон (девони вазир, девони мустафи, девони амир ал-мулк, девони соҳиб аш-шурат, девони соҳиби муайдид ёки борид, девони мушриф, девони мумаллиқайи хос, девони муҳтасиб, девони авқоф, девони қазо аз-зия) бошқарувида идора этилган. Сомонийлар ҳокимияти йирик заминдорларнинг манфаатини ҳимоя қилувчи мустақил феодал давлат эди («мулки сultonий», «мулк ерлари», «вақф ерлари») X аср охирига келиб мамлакатда авж олиб кетган ўзаро урушлар унинг иқтисодий ва сиёсий қудратига катта путур етказди ва сомонийларнинг қорахонийлар давлатидан мағлубиятга учрашига олиб келди. XI аср бошларида сомонийлар давлати худудларида икки давлат: қорахонийлар ва ғазнавийлар давлатлари пайдо бўлди.

Қорахонийлар давлатни эл-юрт ва вилоятларга бўлиб идора қилдилар. XI-XII асрларда Ўрта Осиёда мулкчиликнинг янги тури-иқтаъ тартиботи ўрнатилади («мулки сultonий», «иқтаъ», «вақф ерлари», «мулк ерлари»). XII асрнинг 30-йиллари охирда Мовароуннаҳр Шарқдан келган кўчманчи Қорахитойлар ҳужумига дучор бўлди.

IX–XII асрларда мамлакат мањнавий ҳаётининг асоси ислом мағкураси эди. Сомонийлар ислом мағкурасининг ривожига катта аҳамият бердилар. Бухоро Шарқда



CANADA



CANADA

ис-лом динининг энг нуфузли марказига айланди. Масжид, мадраса ва хонақолар қуриш учун маҳсус жойлар ажратилди. Араб тили ва унинг имлоси жорий этилди.

Мовароуннахрда кўп ўтмай ҳатто она тилидан кўра араб тили ва ёзувини яхшироқ билган билимдонлар пайдо бўлди. Маҳаллий билимдонлар ўз ватанида қувгин остига олинниб, қўпгина толиби илмлар халифаликнинг марказий шаҳарлари-Дамашқ, Қоҳира, Бағдод, Куфа ва Басрага бориб билим олишга ва араб тилида ижод қилишга мажбур бўладилар. Давлатни бошқаришда аббосийлар маъмурияти кўплаб билимдон сиймоларга муҳтож эди, чунки араблар орасида шу даврда давлат ишига яроқли бўлган билимдорлар ҳали оз, борлари ҳам заиф эди.

Энг машҳур маданият маркази шу даврда Бағдод шаҳри эди. Бағдодда «Байт ул ҳикма» (донишманлар уйи) ташкил этилган эди. «Байт ул ҳикма»да Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазийлар таълим олганлар. IX-X асрларда Ўрта Осиёда фан илмий асосларга эга эди. Унинг илдизлари Ўрта Осиё, айниқса, Хоразм, шунингдек Бобил, Эрон, Ҳиндистоннинг антик дунёсига ва қадимги маданиятига бориб тақалар эди.

IX–XII асрларга маънавият ва маърифатнинг ғоят гуллаб-яшнаши хос бўлган. Бу даврда Марказий Осиёда қомусий илм эгалари, истеъодли шоирлар, буюк давлат арбоблари етишиб чиққан. Улар орасида ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Форобий, Ибн Сино, ал-Беруний каби мутафаккирлар алоҳида ўрин тутадилар. Бу даврга келиб, Хоразм, Бухоро, Ҳиротда йирик илмий марказлар ташкил топган. Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Фарғоний, Беруний, имом ал-Бухорий, имом Исо ат-Термизий, Ҳаким ат-Термизий каби Марказий Осиё олиму уламоларининг донғи етти иқлимга кетган эди.

Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги 1998 йилда юртимизда кенг нишонланди. Унинг вафоти 861 йилdir. У машҳур фалакиётшунос олим. Унинг асосий асалари «Фалакдан бўладиган сабаблар», «Осмон ҳаракатлари ва юлдузлар илми» кабилардир. Аҳмад ал-Фарғонийнинг «Астрономия асослари» китоби ўша даврда астрономия соҳасидаги билимларнинг қомуси бўлган. Унда қадимги фалакиётшунослик билимлари, унинг қоидалари, усувлари баён қилинган. Асар XII асрдаёқ лотин тилига таржима қилиниб, кўп асрлар давомида Европада астрономия бўйича қўлланма, дарслик сифатида фойдаланиб келинган. Аҳмад ал-Фарғоний ал-Фраганус номи билан бутун Европада машҳур бўлган.

Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий (780-850) Шарқнинг буюк мутафаккири, қомусий олимидир. Унинг илми нужум, геодезия, жуғрофия, айниқса, риёзиёт соҳасидаги хизматлари бекиёсдир. У араб, ҳинд, лотин, юонон, форс тилларини билган. Хоразмий алгебра фанига оид «Китоб ал-жабр ва ал-муқобала» асарининг муаллифи. У тенгламаларни ечишнинг икки усулини: ал-жабр, яъни қарамақарши ишораларни ягона мусбат ишорага келтириш ва ал-муқобала, яъни бир хил ҳадларни қарамақарши қўйишни кашф этди. Ал-Хоразмийни Европада Алгаритмус деб атаганлар. Алгоритм эса унинг лотинча номи.

Абу Наср Форобий (873-950) «Шарқ Аристотели», «Иккинчи муаллим» деб улуғланган машхур мутафаккирдир. Форобийнинг фикрича, инсоннинг ва жамоанинг ғалабага эришуви, яхшиликни қўлга киритиши, ахлоқий ва ақлий мукаммаликка кўтарилиши инсон ва жамоанинг ўз қўлидадир. Аллома давлатни фозил ва жоҳил давлатларга бўлади. Унинг фикрига кўра, фазилатли шаҳарларда илм, фалсафа, ахлоқ, маърифат биринчи ўринда бўлмоғи лозим, шунда жамият етукликка эришади. Фозил шаҳар бошлиғи билимни, ҳақиқатни севувчи, ёлғончиларга нафрат билан қаровчи, адолатни яхши кўрувчи ва адолат учун курашувчи бўлиши керак.

Абу Райхон Беруний (973-1048) умри давомида 150 дан ортиқ асарлар яратган. Шулардан энг машхурлари «Қадимги авлодлардан қолган ёдгорликлар», «Масъуд қонуни», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Минералогия», «Сайдана» ва бошқалардир. Гарчи Беруний фалсафий-ахлоқий масалаларга оид маҳсус асар ёзмаган бўлса-да, аммо кўпгина асарларида бу масала борасида фикрлар баён этган. Беруний халқлар ўртасидаги дўстликни ва илмий ҳамкорликни юксак қадрлаган, энг инсоний ахлоқий сифат деб мақтаб, амалда ўзи намуна кўрсатган. Бир неча йил Ҳиндистонда яшаган 45 ёшли олим қадимги санскрит тилини ўрганиб, Эвклиднинг «Элементлар» асарини бу тилга таржима қилган. Берунийнинг фикрича, кишилар учун дунёда турли ҳоллар бор. Булар мақталувчи – яхшилик ва қораланувчи – ёмонлиқдир. Мақталувчи ҳолларнинг таянчини поклик ва тозалик ташкил қиласиди. Беруний фикрича, инсоннинг олий фазилати бошқалар, айниқса, камбағаллар ҳақида ғамхўрлик қилишдир.

Абу Али ибн Сино (980-1037) «Шайх ур-раис» (Олимлар бошлиғи) унвонига эга алломадир. У умри давомида 450 дан ортиқ асарлар яратган. Унинг «Тиб қонунлари» номли 5 жилдан иборат китоби асрлар давомида Шарқ мамлакатлари ва Европада тиббиёт бўйича асосий қўлланма бўлиб хизмат қилиб келган. Унинг «Китоб аш-шифо», «Китоб ул-инсоф», «Донишнома», «Соломон ва Ибсол» каби асарлари машхур. У фалсафий-ахлоқий мазмундаги асарларида хукмдорларни қонун бузилишларига қарши курашишга, халқнинг талабларига қулоқ солишга, адолат юзасидан иш юритишга чакиради. Адолат инсон хатти-ҳаракатининг энг яхши безаги, деб таъкидлайди.

Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билиг» («Бахтга элтувчи билим») асари билан машхурдир. Бу асар 1069 йилда ёзилган бўлиб, уни шоир Қашқар ҳокими Сулаймон Арслон Корахонга бағишилаган. Шу асари учун унга Хос Ҳожиб, яъни буюк хоннинг маҳсус маслаҳатчиси унвони берилган. Достон қаҳрамонлари – ҳоким Кунтуғди – адолат рамзи, вазир Ойтўлди – баҳт рамзи, вазирнинг ўғли Ўгдулмиш ақл рамзи сифатида тасвирланади. Мутафаккир инсон фақат жамиятда, бошқалар билан мулоқотда ва фойдали меҳнатда чинакам камолга етиши ҳақидаги гояни илгари суради. Унинг фикрича, бирорга фойдаси тегмайдиган инсон ўлиқдир. Жамиятда меҳнат аҳли – дехқонлар, чорвадорлар, ҳунармандлар ҳал қилувчи ўрин тутади. Шунинг учун Юсуф Хос Ҳожиб ҳокимга адолатли бўлиш, ўзбошимчалик ва қонунсизликка йўл қўймасликни маслаҳат беради.

Аҳмад Юғнакий XII аср охири ва XIII асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилган. Ундан бизгача «Ҳиббат ул ҳақойиқ» достони етиб келган. У достонида дунёнинг бевафолиги, ўткинчилиги ҳақида гапириб, дунёни карвон оз фурсатга тўхтаб ўтадиган работ (карвонсарой)га ўхшатади. Шу сабабли, унинг фикрича, бу дунёдаги роҳат-фароғатга интилиш бефойда, уни деб азоб-уқубат чекишига арзимайди, чунки «Сен бугун кўриб турган бойлик эртага гойиб бўлади, сен ўзимники деб билган буюмлар бошқаларга қолиб кетади». Шу фақат яхшилик уруғини сепиш учун яшаш кераклиги уқтирилади. Аллома билимли, маърифатли кишиларни етук кишилар деб ҳисоблайди, фақат яхши одамлардан дўст орттиришни маслаҳат беради. Фақат яхши ишлар қилиб, яхши натижалар кутиш мумкин, чунки «тикан экиб, ҳосилига узум олмайсан», деб айтади.

Ҳадис илмининг ривожида олтин давр ҳисобланган ҳижрий, учинчи (милодий тўққизинчи) асрда ҳадисшуносликда катта муваффақиятлар қўлга киритилган. Чунончи, бутун ислом дунёсидаги энг нуфузли манбалар деб тан олинган олтида ишончли ҳадислар тўпламишининг (ас-сиҳоҳ ас-ситта) муаллифлари яшаб ижод қилганлар. Яна шуниси диққатга сазоворки, мазкур олти мухаддиснинг деярли ҳаммаси Марказий осиёлик бўлиб, улар: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож (206/819—261/874), Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий (209/ 824—279/892), Имом Абу Довуд Сулаймон Сижистоний (202/817— 275/880), Имом Аҳмад Ан-Насойй (215/830—303/915), Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язиб ибн Можжа (209/824—273/886) каби сиймолардир. Шулар ичидан “Ҳадис илмида амир ал-мўминийн” деган шарафли номга сазовор бўлган Имом ал-Бухорий алоҳида эътиборга молик буюк олимдир.

Унинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғирия ибн Бардазбех ал-Жуафий ал-Бухорий бўлиб, у хижрий ҳисобда 194 йил шаввол ойининг 13-куни (810 йил 20 июль)да Бухоро шаҳрида таваллуд топган. Бошқа кўпгина олимлардан фарқли ўлароқ ал-Бухорий туғилган сана аниқ кўрсатилишига сабаб шуки, унинг отаси Исмоил ўз даврининг илмли одамларидан бўлиб, ўғлини туттиришадиган кунини ўз қўли билан ёзиб кетган қоғоз замондош олимлар иҳтиёрига етган ва шу хусусда ҳам унинг аниқлигига ҳеч шубҳа йўқ. Ал-Бухорий ёшлигига ёки ёшлигигида ёки отаси вафот этиб, онаси тарбиясида ўсган. У ёшлигидан ақл-идроқли, ўткир зеҳнли ва маърифатга ҳаваси кучли бўлиб, турли илм-фанларни, айниқса, ҳадис илмини зўр қизиқиши билан эгаллайди.

825 йили ўн олти яшар ал-Бухорий онаси ва акаси Аҳмад билан Ҳижозга қараб йўл тутади, муқаддас шаҳарлар Макка ва Мадинани зиёрат қилиб, олти йил Ҳижозда яшаб, ҳадис илмидан ўз билимини янада ошириш мақсадида ўша пайтда илм-фаннынг йирик марказларидан ҳисобланган Дамашқ, Қоҳира, Басра, Куфа, Бағдод каби шаҳарларда яшаб, у жойлардаги машҳур олимлардан ҳадис билан бир қаторда фиқҳ илмидан ҳам таълим олади, йирик олимлар даврасида илмий баҳслару мунозараларда қатнашади ва илм толибларига дарс ҳам беради.

Ўз навбатида ал-Бухорий ҳам кўпгина шогирдларига устозлик қилган. Исҳоқ ибн Муҳаммад ар-Рамодий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий, Муҳаммад ибн Халаф ибн Қутайба, Иброҳим ал-Ҳарбий, Абу Исо ат-Термизий, Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий, Муслим ибн ал-Ҳажжож каби етук олимлар унинг шогирдлариdir.

Термизлик машҳур мұхаддис Абу Исо ат-Термизий ал-Бухорийга ҳам шогирд, ҳам сафдош ҳисобланиб, уларнинг ўзаро муносабатлари ибратли бўлган. Узоқ йиллар Шарқнинг турли-туман мамлакатларига сафар қилгандан кейин умрининг охирларида ал-Бухорий беш (863—868) йил Нишопурда яшаб, мадрасада ҳадис илмидан дарс берган. Ўша пайтда Нишопур мусулмон Шарқидаги энг йирик илмий марказлардан бирига айланганлиги сабабли кўп машҳур олимлар шу шаҳарда тўпланган эдилар. Ал-Бухорийнинг ат-Термизий билан учрашуви ҳам Нишопурда юз бериб, диёrimиздан чиққан икки машҳур мұхаддис ўртасида унутилмас, қизғин илмий баҳслар, кўпдан-кўп ижодий, дўстона учрашувлар бўлиб ўтади. Ат-Термизийнинг ёзишича, у ўз асарлари учун кўп маълумотларни ал-Бухорий билан учрашувларидан олган. Шу билан бирга ал-Бухорий ҳам ат-Термизийнинг билимини юқори баҳолаб: “Мен сендан кўрган фойда сен мендан кўрган фойдадан ортиқроқ”, деб унга нисбатан чуқур ҳурматини билдирган.

Имом ал-Бухорий нафақат йирик олим, балки ўзининг гўзал хулқ-автори, одамохунлиги, муруватлилиги, ҳимматлилиги ва беқиёс саховатлилиги билан бошқалардан тамомила ажralиб турган. У зеҳни ўткирлиги ва ёдлаш қобилиятининг кучлилиги билан ҳам халқ орасида ғоят шуҳрат қозонган. Манбаларда ал-Бухорийнинг 600 мингга яқин ҳадисни ёд билгани қайд қилинган.

Имом ал-Бухорий авлодларга бой ва қимматли илмий мерос қолдириган бўлиб, у ёзган асарларнинг сони йигирмадан ортиқдир. Улардан “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”, “Ал-адаб ал-муфрад”, “Ат-таърих ас-сагир”, “Ат-таърих ал-авсот”, “Ат-таърихал-қабир”, “Китоб ал-илал”, “Барр ул-волидайн”, “Асоми ус-саҳоба”, “Китоб ал-куна” ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Буюк алломанинг энг мұхим асари, шубҳасиз, “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”дир. Бу асар “Саҳийҳ ал-Бухорий” номи билан ҳам машҳур. Имом ал-Бухорий турли ровийлардан эшитган ҳадисларни табақаларга бўлиб, уларнинг ишончлиларини ажратиб, алоҳида китоб яратди.

Аллома ибн Салоҳнинг таъкидлашича, ал-Бухорийнинг бу асарига киритилган ишончли ҳадисларнинг сони тақрорланадиганлари билан бирга 7275 та бўлиб, тақрорланмаидиган ҳолда эса 4000 ҳадисдан иборат.¹⁰¹

1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти формони билан буюк ҳадисшунос алломанинг 1225 йиллик таваллуд куни кенг жамоатчилик томонидан катта ҳурмат ва эҳтиром ила нишонланиб, унинг мақбараси қайта қурилди.

Хуллас, IX–XII асрлар давомида Марказий Осиёда илм, фан, маърифат, маънавият юксак даражада ривожланган.

¹⁰¹ <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/manaviyat-yulduzlari/imom-al-buhoriy-810-870/>